O'ZBEKISTON
# BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№43 (796) 2024 йил 31 май, жума
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 30 май куни иқтисодиёт тармоқларида энергия самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Йилдан-йилга энергия ресурсларига талаб ошиб бораётган замонда улардан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликни камайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу мақсадда 2024 йилда ҳудудларда электр энергияси ва табиий газни тежаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар шакллантирилди. Бу мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқаришга халал бермаган ҳолда энергия истеъмолини самарали ташкил этиш орқали муайян ҳажмларни тежашни назарда тутади.

Шунингдек, истеъмолчиларни энергия аудитидан ўтказишнинг янги тартиби жорий этилмоқда. Унга кўра, энергия аудити фақат халқаро стандартларга мувофиқ ўтказилади. Аудит асосида ташкилот ва корхоналар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва уларнинг ижроси назорат қилинади.

Бу борада шаффофликни таъминлаш учун энергия аудити хулосалари ва ундан кейин эришилган натижалар йиллик бизнес-режаларига киритилиб, кузатув кенгашида тасдиқланади.

Ҳар бир ташкилот раҳбарларига энергия самарадорлиги бўйича KPI жорий этилади.

Шунингдек, истеъмолчилар томонидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузганликлари учун амалдаги тарифга ўсувчи коэффициентни қўллаган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиш, истеъмолчилар томонидан мажбурий энергия аудити ўтказиш натижасида белгиланган чора-тадбирларнинг муддатида бажарилмаслиги, ушбу чора-тадбирлар бажарилишидан иқтисод қилиниши кутилган ёқилғи-энергетика ресурслари қиймати миқдорида жарима қўллаш тартибини жорий қилиш масаласи ўрганилмоқда.

Яна бир таклиф – ташкилотлар, ҳудудлар ва кўчмас мулк объектлари кесимида энергия истеъмоли рейтингини жорий этиш. Бунда Энергетика вазирлиги томонидан энергия сиғими энг юқори ва энг паст бўлганларнинг "10 талиги" юритилиб, оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади.

Тақдимотда энергияни тежаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ва уни амалга ошириш чоралари атрофлича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни алоқадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда чуқур ва пухта ишлаб чиқиш, кўрсаткичларни халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари муҳокамасига киритиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Шунингдек, йиғилишда жорий йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Президент мутасаддиларга тайёргарлик ишларини ҳозирдан бошлаш ва барча зарур чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, жумладан, электр ва иссиқлик станциялари узлуксиз ва барқарор ишлаши учун зарур ёқилғи ресурслари, бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг захираларини шакллантириш, энергетика инфратузилмасини таъмирлаш ва модернизация қилиш юзасидан қатор кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

## МИСР БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни Миср Араб Республикаси Сенати раиси Абдулваҳоб Абдулрозиқ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашув аввалида Сенат раиси Ўзбекистон етакчисига Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги кенг қамровли шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Барча даражадаги мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми, қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Мисрнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда геология, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва туризм соҳаларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Парламентлараро алоқаларни янада фаол ривожлантириш, қонун чиқарувчи органларда дўстлик гуруҳларини тузиш, олий даражадаги келишувлар ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва имкониятларини кенгайтириш бўйича тажриба алмашиш муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро тузилмалар, жумладан, Парламентлараро иттифоқ, Қўшилмаслик ҳаракати ва Араб парламенти доирасида амалий ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

## ICESCO БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни Хива шаҳрида бўлиб ўтадиган Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирлари йиғилишида иштирок этиш учун юртимизга келган Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Маликни қабул қилди.**

Илм-фан, маданият, таълим ва туризм соҳаларида ушбу нуфузли минтақавий тузилма билан конструктив мулоқот ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

ICESCO бош директори самимий қабул учун чуқур миннатдорлик изҳор этиб, мамлакатимизда бой илмий ва маданий меросни асраб-авайлаш, ҳар томонлама ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган сиёсат натижаларини юқори баҳолади.

Ўзбекистон Президенти ташкилот билан ўзаро манфаатли ва жадал ҳамкорликнинг бугунги даражасини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

2007 йилда Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган, 2020 йилда Бухоро шаҳри, 2025 йил учун эса Самарқанд шаҳри ушбу мақомга эга бўлди.

Жорий йилда Хива Ислом дунёсининг туризм пойтахти ҳисобланади. Тошкент шаҳридаги Халқаро ислом академиясида ICESCOнинг Ислом цивилизациясини ўрганиш бўйича махсус кафедраси фаолият юритмоқда.

Ҳамкорликнинг янги йўналишлари сифатида қўлёзмалар ва бошқа тарихий ёдгорликларни сақлаш, реставрация қилиш бўйича тажриба алмашиш, бу борадаги лойиҳаларни амалга ошириш, араб тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, халқаро илмий ва маданий тадбирларни ташкил этиш белгиланди.

Амалий шерикликни янада кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Ўзбекистонда ICESCOнинг минтақавий ваколатхонасини очиш масаласи ўрганилади.

**ЎзА.**

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

## ФРАНЦИЯГА ТАШРИФ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТЯПТИ





**Францияда хизмат сафарида бўлиб турган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти вакиллари ECHOBAT уюшмасида ҳам бўлишди.**

Ташриф давомида соҳа мутахассислари якка тартибдаги уй-жойлар, умумтаълим мактаби ва маъмурий биноларни реконструкция қилишда қўлланилаётган янги экологик ва энергосамарадор лойиҳалар, қурилиш материаллари ҳамда технологиялари билан танишдилар. Шунингдек, қоғоз, мато, дарахт, каноп пояси ва толасини қайта ишлаш орқали деворбоп, иссиқлик изоляцион материаллар ҳамда энергия самарадор дераза ва эшик-ромларни ишлаб чиқариш жараёни, хусусан, улардан тўғри фойдаланиш қоидалари ҳам кўриб чиқилди.

Мутахассислар гуруҳи Франция тараққиёт агентлиги (AFD)га ҳам ташриф буюрдилар. AFD вакиллари томонидан Францияда энергия самарадор лойиҳаларни молиялаштириш механизмлари ва сертификатлаш тизими батафсил тақдимот қилинди. Бунда энергия самарадорликка эришишнинг 4 та асосий устуни: энергия тежамкорлик, экологик жиҳатдан афзал материаллардан фойдаланиш ва қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича Франция тажрибаси кўрсатиб берилди.



## Россиялик мутахассислар Ўзбекистон тажрибасини ўрганмоқда

**Россия Федерацияси Удмуртия Республикасининг бир гуруҳ кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув органлари вакиллари мамлакатимизда бўлишди.**




Меҳмонлар Ўзбекистонда уй-жой ва коммунал соҳада амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар, соҳани такомиллаштиришда давлатимиз раҳбари томонидан берилаётган имтиёзлар, бошқарув органлари раҳбарларининг ваколатлари, тадбиркорлик ва қўшимча сервис хизматлар яратиш имкониятлари билан танишдилар.

Шунингдек, улар пойтахтимизнинг Яккасарой туманида фаолият юритувчи "Classik building" БСКда бўлиб, аҳоли учун яратилган қулайликларни алоҳида эътироф этишди. Бундан ташқари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасидаги ишлар, хусусан, тизимни рақамлаштириш, мулкдорларнинг дебитор қарздорликларини сўндиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар, қонунчилик ҳужжатлари хусусида тўлиқ маълумот берилди.

Меҳмонлар ташриф давомида Тошкент шаҳридаги бошқа бир қатор бошқарув ташкилотлари фаолиятини ҳам ўргандилар.

## Ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда





**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Давронжон Адилов Жаҳон банки ҳузуридаги Халқаро молия корпорациясининг Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Туркия, Покистон ва Афғонистон бўйича маслаҳат ва иқтисод бўйича минтақавий менежери Илхем Саламон бошчилигидаги делегация билан учрашди.**

Ўзаро мулоқот давомида аҳоли яшаш уй-жойи ва тижорат биноларида иситиш ҳамда совутиш учун геотермал тармоқларни жорий этиш имкониятлари ҳамда электр транспорт воситаларини зарядлаш станциялари қурилишини ташкил этиш тартиби ва уни такомиллаштириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Халқаро молия корпорацияси вакиллари мамлакатимизда геотермал энергия орқали биноларни иситиш ва совутишнинг афзалликлари, жорий этиш босқичлари ва стратегияни ишлаб чиқишда эътиборга олиниши зарур бўлган жиҳатлар юзасидан фикр билдирдилар. Вазир ўринбосари Иссиқлик таъминоти тизимини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси ҳамда вазирлик ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти вакилларига Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда ишлаб, геотермал энергиядан фойдаланган ҳолда иситиш ва совутиш тизимларини мамлакатимизда жорий этиш бўйича муддатлари аниқ белгиланган иш режа ишлаб чиқиш, шунингдек, геотермал энергетикани вазирлик ҳузуридаги олий таълим муассасалари ўқув дастурига киритиш бўйича топшириқлар берди.

## Экспертлар учун кенгайтирилган йиғилиш

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ директори Мираббос Иноятов бошчилигида ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ва марказнинг масъул ходимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза кўригига қабул қилиш ва ўтказишда юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини олдини олиш масаласи муҳокама қилинди. Бунда буюртмачи ва лойиҳа ташкилотлари вакилларига барча жараённинг электрон тартибда амалга оширилиши кераклиги, инсон омили аралашувига йўл қўйилмаслиги лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда шаҳарсозлик ҳужжатларини белгиланган нормативлар талаблари ва регламентига мувофиқ экспертизадан ўтказиш, экспертиза сифатини ошириш, бу йўлда марказнинг барча йўналишдаги экспертлари малакасини узвий ошириб бориш, иш фаолиятида ижро интизомига риоя қилинишини қатъий назоратга олиш, марказга тақдим этилаётган ойлик йиғма-таҳлил ҳисоботларда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш йўлида тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан ҳудудий бошқармалар бошлиқларига тегишли кўрсатмалар берилди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№43 (796) 2024 йил 31 май

# Шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларига қай даражада риоя этилмоқда?

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси мутасаддилари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Унда депутатлар томонидан қурилишда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, давлат стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳолати юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ахбороти эшитилди.**



Дарҳақиқат, бугунги кунда қурилиш тармоғини янада такомиллаштириш, архитектура, қурилиш органлари ва муассасаларини изчил ривожлантириш механизмларини шакллантириш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таъминлаш ҳамда соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021-2023 йилларда бино ва иншоотлар қурилишида шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари ҳамда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Инспекция томонидан 2021 йилда 30454 та, 2022 йилда 32531, 2023 йилда эса 36245 та объектнинг қурилиши ишлари устидан тегишли давлат назорати ўрнатилган. Ушбу жараёнда МЖтКнинг тегишли моддаси бўйича 2021 йилда 3 139 та, 2022 йилда 6 116 ва 2023 йилда 7 597 та маъмурий жазо чоралари (жарималар) қўлланилган. Қурилиш объектларида сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлардан фойдаланганлик учун тегишли орган ва ташкилотларга 2021 йилда 190 та, 2022 йилда 396 та ва 2023 йилда 892 та тақдимнома киритилган.

Шунингдек, ўтган йил ва жорий йилнинг биринчи чорагида республикамиздаги мавжуд кўп квартирали уйлардан техник фойдаланиш, уларни сақлаш масалаларини такомиллаштириш ҳамда уйларнинг таянч қобилияти ва зилзилага бардошлилигини пасайишига, экологик ташқи таъсирларга чидамсиз бўлиб қолишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш, бартараф этиш борасида ҳам қатор назорат тадбирлари ўтказилган. Масалан, кўп квартирали уйларда техник фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини ўрганиш натижасида 2023 йилда 3095 та, шу йилнинг биринчи чорагида эса 2506 та ҳолатда ўзбошимчалик билан амалга оширилган ўзгартиришлар ва реконструкция қилиш ҳолати аниқланган. Бу каби қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилган.

Шу билан бирга, ўтган йилда 4125 та кўп квартирали уйдаги мавжуд 11 401 та лифтнинг техник ҳолати ўрганилиб, уларнинг 3989 тасининг паспорти мавжуд экани ва 1474 таси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, йилда бир марта техник кўрикдан ўтказилгани аниқланган. Қолган лифтларга паспортларни расмийлаштириш ва уларни йилда бир марта техник кўрикдан ўтказишни таъминлаш тўғрисида тегишли ташкилотларга мажбурий кўрсатмалар берилган.

Булардан ташқари, мунозаралар давомида депутатлар Инспекция томонидан қурилиши тугалланган янги кўп квартирали уйларни фойдаланишга қабул қилиш ишларини тартибга солиш ва уйларни тизимли равишда фойдаланиш (эксплуатация)га қабул қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан ҳам қизиқдилар. Мутасаддиларнинг айтишича, кўп квартирали уйларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнида уларга бошқариш хизматини кўрсатувчи бошқарувчи ташкилотларни жалб этиш ва “Менинг уйим” биллинг ахборот тизимига киритиш орқали эксплуатацияга қабул қилиш тадбирлари жадал равишда амалга оширилмоқда. Бу эса уйларни қаровсиз қолиб кетишининг олдини олиб, жойлар мулкдорларига уларнинг розилиги билан белгиланадиган маълум бир аниқ ҳақ ҳисобига талаб даражасидаги хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

Қизғин муҳокамалар давомида юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари алоҳида эътироф этилиб, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш чораларини кўриш, лойиҳачи ташкилотларнинг муаллифлик назорати ходимлари ваколатини ошириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Йиғилиш якунида кун тартибидаги масала юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Қурилиш объектида ёнғин хавфсизлиги ўрганилди

**Жаҳонгир ИСТАМОВ,** Чилонзор тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими инспектори, катта лейтенант.

**Вазирлар Маҳкамасининг 576-сонли қарори ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирининг 430-сонли буйруғига асосан, ҳафтанинг ҳар чоршанба куни республикамизда “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғинлар профилактикаси куни” ўтказилмоқда. Шу муносабат билан, Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани ҳудудидаги бир қатор қурилиш объектларида туман Фавқулодда вазиятлар бўлими мутахассислари томонидан ёнғин хавфсизлигига қай даражада амал қилинаётгани юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилди.**



Хусусан, туманнинг Чилонзор кўчасида “Future Growth” МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой биноси, Чўпон ота кўчасида “YunusobodBuilding” МЧЖ томонидан қад ростлаётган кўп қаватли турар жой биноси, Ц мавзе, Меҳр кўчасида “SQB Kapital” МЧЖ томонидан барпо этилаётган пастки қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатишга мўлжаланган кўп қаватли турар жой биноси қурилиши объектларида бир қатор камчиликлар аниқланди.

Юқоридаги объектларда жумладан, ёнғин ўчириш воситаларининг етарли миқдорда эмаслиги, ёнувчи қурилиш ашёлари қурилиш ишлари олиб борилаётган биноларда сақланаётгани, қурилиш жараёни давом этаётган биноларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиб, шикастланган қўлбола уланиш ҳолатлари мавжуд бўлган электр симларидан фойдаланиш ҳолатлари аниқланди.

Ушбу камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан қурилиш ташкилоти раҳбарларига тақдимномалар юборилди.

# УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДА “ЯШИЛ” СТАНДАРТЛАР

**Исламбек ДАВЛЕТОВ,**
Тошкент архитектура-қурилиш университети менежмент кафедраси профессори.

**Бугунги кунда сайёрамиз аҳолисининг деярли ярми шаҳарларда истиқомат қилади ва прогнозлар шуни кўрсатадики, 2030 йилга келиб, аҳолининг тахминан 75 фоизи шаҳар аҳолисига айланади. Демак, уй-жой объектларига бўлган эҳтиёж ортиб боради ва шу билан бирга, атроф-муҳитга бўлган таъсир ҳам кучаяди.**



БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (UNEP) маълумотларига кўра, 2060 йилга келиб, хомашёдан фойдаланиш икки баравар кўпайиши кутилмоқда. Шу сабабдан атроф-муҳитнинг ортиқча юкланиши янада ортади. Бундан ташқари, цемент, пўлат ва бетон каби қурилиш материаллари ишлаб чиқариш иссиқхона газлари чиқиндиларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда қурилиш тармоғи ва биноларнинг эксплуатациясидан ажраладиган жами $CO_2$ – ис гази умумжаҳон энергия билан боғлиқ заҳарли газлар ажралишининг деярли 40 фоизини ташкил этади.

Юқоридаги фактларга қарамай, қурилиш тармоғи барқарор ривожланиш учун катта имкониятларга эга бўлиб, бу “яшил” қурилиш атамаси билан тавсифланади. Бу, ўз навбатида, қурилиш объектлари ҳаётий циклининг барча босқичларида атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш, шунингдек, моддий ва энергия ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш имконини берадиган ресурстежамкор ва экологик масъулиятли ёндашувлардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Халқаро ҳамжамиятда “яшил” стандартлар масаласи ўтган асрнинг охирларидан муҳокама қилина бошланди. Баъзи ривожланган давлатларда биринчи “яшил” қурилиш стандартлари ишлаб чиқилди ва бу борада тегишли ҳукумат сиёсати пайдо бўлди. Таъкидлаш жоизки, Буюк Британияда “яшил” бинолар учун BREEM (BRE Environmental Assessment Method) рейтинги, АҚШда эса LEED (Leadership in Energy and Environmental Design) экосертификатлаш тизими ишлаб чиқилди. 2000 йилнинг бошида эса Германия барқарор қурилиш Кенгаши (DGNB) келгуси 50 йил ичида бинонинг функционал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда истиқболда бинонинг экологик барқарорлигини таҳлил қилувчи янги стандартларни ишлаб чиқди.

Россия федерациясида эса 2022 йилда кўчмас мулкни баҳолаш миллий тизимини ривожлантиришда иккита янги “яшил” қурилиш стандартлари: кўп квартирали уйларни баҳолаш учун мўлжалланган ГОСТ Р ҳамда тижорат ва нотижорат кўчмас мулк объектлари учун эса – КЛЕВЕРлар ишлаб чиқилди ҳамда улар бир вақтнинг ўзида ишлай бошлади. BREEM, LEED ва DGNB рейтинг тизимларининг мақсади битта, у ҳам бўлса, ресурсларни тежаш ва яратилган сунъий инсон яшаш муҳитининг атроф-муҳит ва ўз соғлиғига салбий таъсирини камайтиришдир. Шунинг учун ҳам “яшил” стандартларнинг аксарияти ижтимоий-иқтисодий омиллар ва энергия самарадорлиги кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратади.

Янги минг йилликнинг бошида бутун дунё бўйлаб ўхшаш Кенгашларни бирлаштирувчи ҳукуматлараро тармоқ ташкилоти – Экологик қурилиш бўйича бутунжаҳон Кенгаши (WorldGBC) ташкил этилди. Ҳар йили ушбу Кенгаш штаб-квартираси жойлашган Канада шаҳрида бутунжаҳон экологик қурилиш конгрессини ўтказиб боради.

Бугунги кунга қадар муваффақиятли фаолият юритаётган стандартлар деярли ҳар қандай давлатнинг қонунчилик талабларига мослаштирилиши мумкин. Шу боисдан, ҳозирги вақтда кўплаб халқаро аҳамиятдаги “яшил” қурилиш стандартлари бошқа мамлакатларда ҳам мослаштирилган. Таъкидлаш жоизки, республикада ШНҚ 2.07.05-19 – “Яшил қурилиш. Турар жой ва жамоат бинолари. Яшаш муҳитининг барқарорлигини баҳолаш рейтинг тизими” тасдиқланган. Мазкур ҳужжат бугунги авлоднинг қулай яшаш муҳитига бўлган эҳтиёжларини қондириш ва бундай имконият даражасини пасайтирмаган ҳолда турар жой бинолари ва жамоат иншоотларидан фойдаланиш орқали давлат функцияларини бажариш мақсадларига жавоб берадиган инсон яшаш муҳитининг барқарорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини белгилайди. Рейтинг тизимининг талаблари инсоннинг қулай яшаш муҳитини, архитектура, конструктив ва муҳандислик ечимларининг етарли иқтисодий рентабеллигини таъминлашда энергия ресурслари истеъмолини камайтиришга, ноанъанавий, қайта тикланадиган ва иккиламчи энергия ресурслари ҳамда сувдан оқилона фойдаланишга, бинонинг қурилиши ва ундан фойдаланиш жараёнида атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтиришга қаратилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда уй-жой қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ислоҳотларнинг амалий ифодаси ўлароқ ушбу давр мобайнида республика бўйича 326 мингта янги уйлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, аҳолининг уй-жой билан таъминланиши даражаси жон бошига 18 фоизга ошди. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизда аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик кўрсаткичи ҳар бир аҳолига умумий яшаш майдонидан ўртача 18,5 квадрат метрни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 0,3 квадрат метрга ошган.

Турар жойлар қурилишида нафақат объектнинг функционаллиги ва хавфсизлигини, балки унинг атроф-муҳит билан уйғунлигини ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, уй-жой қурилишида замонавий қурилиш технологиялари ва материалларидан фойдаланиш экологик тоза, энергия ва ресурстежамкор объектларни барпо этиш имконини беради. Бундай ечимлардан фойдаланиш нафақат атроф-муҳитга салбий таъсирни, балки эксплуатацион сарф-харажатларни ҳам сезиларли даражада камайтиришга олиб келади.

Уй-жой қурилиши мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам юқори сифатли, ресурс ва энергиятежамкорлик асосида янги турар жой объектлари инновацион ёндашувлар асосида барпо этилиб, иқтисодий самарадорлик ва аҳоли турмуш даражасининг янада ошишига эришилмоқда. Турар жой объектлари қурилишида асосий мақсад – қурилиш-монтаж ишларининг юқори сифатини таъминлаш, меъёр ва стандартларга риоя этиш ҳамда қурилиш фаолияти самарадорлигини оширишдир. Ҳозирги даврда республикада амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар ва қонунчиликдаги ўзгаришлардан ташқари, қатор халқаро ташкилотлар Ўзбекистон иқтисодиётини 2030 йилгача бўлган даврда “яшил” иқтисодиётга ўтишини бараллa қўллаб-қувватламоқда.

Президентимиз жорий йилнинг 29 январь куни уй-жой ва коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт ва экология соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳолига муносиб шароитлар яратиш, ҳаёт сифатини таъминлаш мақсадида қурилиш соҳасига замонавий стандартларни жорий қилиш ва сифатини таъминлаш, лойиҳадан бошлаб, объектни фойдаланишга топширгунча бўлган барча жараёнларни янгича ташкил этиш, келгуси йил 1 январдан барча лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, қурилиш ва уларни қабул қилишда ресурс усулидан воз кечилиб, ҳажм усулига ўтилишини таъкидлади. Шунингдек, объектни фойдаланишга қабул қилиш жараёнини рақамлаштириш, далолатномалар “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида тасдиқланиши каби муҳим вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, бу йил 80 минг хонадонли 1 минг 800 та уй-жой ва 45 та “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилишини айтиб ўтди.

Бундан ташқари, Президентнинг 2024 йил 30 апрелдаги “2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–70-сон Фармонида бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури доирасида кўплаб вазифалар, хусусан, кўп қаватли уй-жойлар қурилиши жараёнларига “яшил” уй-жой стандартларининг жорий этилиши белгилаб қўйилди.

Хулоса сифатида, Президентнинг 2018 йил 14 ноябрдаги “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5577-сон Фармонига мувофиқ, 2020 йил 1 январдан бошлаб, республикада лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш босқичида уй-жой қурилиш объектларини энергия нуқтаи назаридан самарадор ва энергиятежовчи ускуналар билан жиҳозланишига мажбурий талаблар ўрнатилганлигини алоҳида қайд этиш мумкин.

Шу билан биргаликда, бугунги кунда бутун республика бўйлаб шаҳар ва қишлоқларда уй-жойларни лойиҳалаш, қуриш ва уларнинг эксплуатацияси жараёнларига “яшил” стандартлар тизимининг жорий этилиши натижасида энергия ва ресурстежовчи технологиялардан унумли фойдаланиш, бунинг эвазига атроф-муҳитни яхшилаш, аҳоли саломатлиги, уларнинг яшаши учун янада қулай ва муносиб турмуш шароитларини яратиш учун кенг имконият пайдо бўлади.

# TABIIY TOSH MATERIALLARINING qurilishdagi ahamiyati

**Dostonbek ABDURAXMONOV,** SamDAQU talabasi.

**Qurilish sohasi – mamlakat hayotidagi muhim hodisadir. Qurilishning jadal sur’atda borishi va inshootning ko‘p yillar xizmat qilishi uchun mukammal konstruksiya, mustahkam va chidamli qurilish materiallari zarur. Hozirda yuqori sifatli, tannarxi arzon, mustahkam, umrboqiy, mahalliy xomashyolardan ekologik toza qurilish buyumlari va materiallarini ishlab chiqarish qurilish materialshunosligining dolzarb masalasiga aylanmoqda. Bu borada albatta, tabiiy tosh materiallari muhim ahamiyatga ega.**

Tabiiy toshlar qurilishda mexanik qayta ishlangan holda va materiallar ishlab chiqarishda xomashyo sifatida qo‘llaniladi. Sement ishlab chiqarishda ohaktosh, beton tayyorlashda esa qum va chaqilgan tosh millionlab metr kub ishlatiladi. Marmar, granit, ohaktosh kabilar arralanib, tekislanib bezak material sifatida qo‘llaniladi. Tabiiy tosh materiallari zaxiralari ishlatilganda ekologik muhitni asrash, belgilangan qonun-qoidalariga rioya qilish zarur. Bunda chiqindi kam hosil bo‘ladigan texnologiyalardan foydalanish maqsadga muvofiq.

Tog‘ jinslari shakllanishiga ko‘ra, uch genetik guruhga bo‘linadi: silikatli qotishma (magma)ning qayta kristallanishidan hosil bo‘lgan magmatik jinslar, tog‘ jinslarining nurashidan hosil bo‘lgan cho‘kindi jinslar, yer qatlamida fizik-kimyoviy sharoitda qayta kristallanib, ko‘rinishi o‘zgargan metamorfik jinslardir. Tabiiy toshlar va zamindan tayyorlanadigan qurilish materiallarining zichligi hamda g‘ovaklik darajasi yuqori bo‘lishi kerak. Undan tashqari, suv shimuvchanlik, materialning suvda yumshash koeffisiyenti, gigroskopiklik, namlikdan deformatsiyalanish, suv o‘tkazuvchanlik, sovuqqa chidamlilik, atmosfera ta’siriga hamda kimyoviy chidamlilik (korroziya), issiqlik o‘tkazuvchanligi, issiqlik yurituvchanligi (sig‘imi), olovga bardoshlilik, yonuvchanlik va siqilishga, egilish, cho‘zilishga hamda zarbga chidamli bo‘lishi katta ahamiyatga ega.

**Magmatik tog‘ jinslar** – magmaning vulqon harakatlari natijasida yer yuziga toshib chiqishidan yoki yerning yoriq va bo‘shliqlarida qotishidan hosil bo‘ladi. Magma sovush sharoitiga nisbatan chuqurlikda qotgan (intruziv) va toshib chiqqan (effuziv) turlarga bo‘linadi. Chuqurlikda qotgan magmatik tog‘ jinslariga granit, siyenit, diorit, gabbro va boshqalar kiradi. Bunday jinslar yuqori bosim va kislorodsiz muhitda asta-sekin sovigani uchun o‘ta zich kristall strukturaga ega bo‘ladi.

**Cho‘kindi tog‘ jinslar** – magmatik va boshqa tog‘ jinslaring nurashi, yemirilishi, kimyoviy o‘zgarishlari va o‘simliklar chirishi natijasida hosil bo‘ladi. Cho‘kindi jinslar tarkibi va hosil bo‘lish xarakteriga ko‘ra, mexanik, kimyoviy va orgonogen turlarga bo‘linadi. Mexanik cho‘kindilarga giltuproq, qum, shag‘al singari sochiluvchan jinslar, konglomeratlar, brekchiyalar va qumtosh singari sementlangan jinslar kiradi.

**Metamorfik tog‘ jinslar** – tog‘ jinslarini yerning chuqur qatlamlarida yuqori bosim va harorat ostida o‘zgarishidan hosil bo‘lgan. Metamorfik jinslar strukturasi-teksturasi hosil bo‘lishida bosimning yo‘nalishi katta rol o‘ynaydi. Metamorfizm jarayoniga tog‘ jinslari tarkibidagi suv va karbon kislotalari katta ta’sir ko‘rsatadi. Metamorfik jinslarni hosil qiluvchi minerallarga magmatik jinslarda uchraydigan dala shpatlari, kvars, sluda, rogovaya obmanka, cho‘kindi jinslarga xos bo‘lgan kalsit, dolomit minerallari, maxsus metamorfik jinslar kiradi.

Bulardan tashqari, tabiiy usulda olinuvchi qurilish buyumlari va ashyolari ham mavjud. Shundan, massasi 20–40 kg, uzun tomoni 50 sm bo‘lgan noto‘gri shakldagi tog‘ jinslari xarsangtosh deyiladi. Xarsangtosh – portlatish usulida, plitasimon xarsanglar esa ponalar va urib harakatga keltiriladigan mexanizmlar yordamida hosil qilinadi. Xarsangtosh magmatik va cho‘kindi tog‘ jinslariga ishlov berib olinadi. Cho‘kindi jinslar tarkibida giltuproq va pirit qo‘shilmalari bo‘lmasligi kerak. Shag‘al – cho‘kindi tog‘ jinslarini elab, fraksiyalarga ajratib, gil va changdan tozalash uchun yuvib olinadi. Chaqiqtosh – xarsangtoshni 5-70 mm (150 mm gacha) fraksiyada maydalab olinadi. Mayda fraksiyadagi chaqiqtoshlarni olish uchun xarsangtosh bir necha marta maydalanadi. Qum – 0,15-5 mm fraksiyadagi barcha tabiiy tosh materiallarining qismidir. Qum tarkibida gil va chang miqdori me’yorlangan bo‘lib, me’yordan ortig‘i beton va qorishmalar xossalarini yomonlashtiradi. Shag‘al, chaqiqtosh va qum beton uchun to‘ldiruvchi sifatida ishlatiladi. Bu materiallar tarkibida tabiiy radionuklidlar borligi haqida sertifikat bo‘lishi shart.

Bir so‘z bilan aytganda, qurilish sohasi ko‘plab sohalar bilan chambarchas bog‘liq. Chunki imoratning har qanday ob-havoda (issiq yoki sovuq, yomg‘ir yoki quyosh), har qanday sharoitda (qattiq yoki yumshoq) bardoshli bo‘lishi va umurboqiyligi eng zarur talablardan biridir.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№43 (796) 2024 йил 31 май



**БУХОРО ВИЛОЯТИ**

# 5,5 гектарда иссиқхона барпо этилмоқда

**Учқун ТОЖИЕВ,** журналист.

**Бугунга келиб Пешку туманининг Ибн Сино номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида 1 040 та хонадон ва 1 361 та оила умргузаронлик қилаётган бўлиб, Қўрғонтепа, Авдени, Афшона, Ибн Сино, Янгиобод қишлоқларини ўзида бирлаштирган ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли сони 4 минг 900 нафарга етган. Маҳалланинг "драйвери", яъни тирикчилик манбаи асосан, қишлоқ хўжалиги, дала-деҳқончилик, томорқа ва иссиқхона хўжалиги ҳисобланади. Айни кунда ҳудудда маҳалланинг 1 минг 300 нафарга яқин аҳолиси иссиқхона хўжаликларида бандлиги фикримизнинг далилидир.**



Маҳаллада асосий тармоқ – иссиқхона хўжалиги ташкил этилган майдон жами 50,6 гектарни ташкил этаётган бўлиб, шундан, 15,8 гектар аҳоли хонадонидаги томорқа ери ва 34,8 гектар аҳоли дала томорқасига тўғри келмоқда. Ҳозирда бу маҳаллада аҳолининг дала томорқасини кенгайтириш ва маҳсулдорликни ошириш чоралари кўрилмоқда. Кўп йиллик тажрибага эга томорқачилар билан бамаслаҳат қуриб, фойдаланиб келинаётган 5 гектар майдондаги иссиқхонани яқин кунларда 25 гектарга етказиш мақсад қилинган. Дала томорқасидаги иссиқхона хўжалигида маҳсулот етиштириш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1 сотих экин еридан бир йилда ўртача 7 тонна миқдорида помидор етиштириш мумкин. Бунда соф фойда 28 миллион сўмни ташкил этади.

Масалан, шу маҳаллада яшовчи миришкорлардан бири Мустақим Тошев хонадонидаги 10 сотихлик иссиқхонасида 20 йилдан бери эрта баҳорда аҳоли томорқалари учун помидор, булғор қалампири, бақлажон каби сабзавот маҳсулотлари кўчати етиштириб келинади.

– Қишки мавсумдан ҳозирга қадар 1 миллион дона помидор ва бодринг кўчатини экиб етиштириб, қишлоқдошлар томорқаларига етказиб бердик, – деди намунали томорқачи Мустақим Тошев. – Кўчатларнинг ҳар бирини 1500-2000 сўмдан сотиб яхшигина даромадга эришяпмиз. Ҳозирда 8 нафар доимий ишчимиз бўлса, мавсумда уларнинг сонини 15 нафаргача етказамиз. Бизда асосан хотин-қизлар меҳнат қилиб, ишига яраша маош олади.

– Маҳалламизда айнан иссиқхона хўжалиги ва томорқасида банд аҳоли сони бугунга келиб 1300 нафарга етган бўлиб, биргина Авдени қишлоғида томорқа ўрнида фойдаланиб келинган 5,5 гектар ер майдонидан фойдаланиш аҳволи ўрганилганида, унинг атиги 75 сотих қисмида иссиқхона хўжалиги юритиб келинаётгани аён бўлди, – деди туман ҳокимининг Ибн Сино номидаги МФЙдаги ёрдамчиси Бобир Абдуллаев. – Ернинг катта қисмини эса чорва озуқаси учун маккажўхори, ўтбеда, тариқ ва бошқа экинлар эгаллаганди. Шу боис, аҳоли билан тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориб, сабзавот маҳсулдорлигини ошириб даромад топиш имкони яратилгани ҳолда ялпи 5,5 гектар ерда иссиқхона барпо этишга жадал киришилди.

Бунинг учун маҳаллий томорқачиларга тижорат банклари қўллаб-қувватлови билан 7 йил муддатда тўлаш шартига мувофиқ имтиёзли кредит сармояси ажратиладиган бўлди. Муҳими, Авденида йўлга қўйилаётган томорқачилик тажрибаси туфайли ҳудудда ишсизликни тўла-тўкис бартараф этиш имконияти яратилмоқда. Қолаверса, бу иссиқхонада мавсумий ишчига талаб борлиги сабабли, парвариш ва пишиқчилик мавсумида қўшни қишлоқлардан ҳам кунбай иш ҳақи эвазига ишчи ёллаш чоралари кўрилмоқда.

# Экологик ҳуқуқбузарликларни аниқловчи камералар ишга тушди

**Зулфизар МАВЛОНОВА,** журналист.

**Атроф-муҳитни асраш ва унга зиён етказмаслик ҳар биримизнинг ҳам фуқаролик, ҳам инсонийлик бурчимиздир. Мана шу бурчни янада ошириш мақсадида Бухоро шаҳрида жойлашган Баҳоуддин Нақшбанд, Шербуддин, Меҳтар Амбар, Абдураҳмон Жомий кўчалари ҳамда Когон туманидаги "Қизилгул" массивида онлайн кузатув камералари ўрнатилди.**

– Шаҳримизни озода сақлаш, чиқиндилардан тозалаш ҳамда ифлосланишни олдини олиш мақсадида белгиланган жойларга Бухоро вилояти Экология бошқармаси томонидан экологик ҳуқуқбузарликларни аниқловчи онлайн кузатув камералар ўрнатилди, – деди бошқарма матбуот хизмати ходими Маржона Шукурова. – Муҳитни назоратга олишга қаратилган бу лойиҳа орқали ахлат ташайдиган жойга боришга эринаётган ёки тозаликка риоя қилмаётган фуқароларнинг йўл четларида, шунингдек, кўчаларда ахлат ташлаб кетишларини камайтиришга эришиш кўзда тутилган.

Ҳозирда Бухоро вилояти бўйича 20 та кузатув камераси ишга туширилди. Ушбу камералар 360 даражада тасвирга олиш имконини беради. Эътиборли томони шундаки, улар нафақат белгиланмаган жойларга чиқинди ташлаш жараёнини, балки бошқа турдаги экологик ҳуқуқбузарликларни ҳам тасвирга олади. Экологик ҳуқуқбузарлик ким томонидан қилингани Ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда аниқланади. Ҳуқуқбузар фуқарога нисбатан ўз вақтида чора кўриш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Белгиланмаган жойга



чиқинди ташлаганлик учун фуқароларга 340 000 сўмдан 1 020 000 сўмгача, мансабдор шахслар учун эса 3 400 000 сўмдан 6 800 000 сўмгача жарима белгиланган.

Камера тасвирдаги жараёнлар Экология вазирлигининг Диспетчерлик ва онлайн мониторинг марказий бошқармаси томонидан доимий кузатиб борилади. Маълумотларга кўра, ҳудудларда камера ўрнатилгандан буён 14 та экологик ҳуқуқбузарлик аниқланган. Бухоро вилояти Экология бошқармаси томонидан уларга керакли чора кўрилиб, экологик муҳитга зарар етказмаслик лозимлиги уқтирилган.

Сув, кислородга бой ҳаво ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг зиммамизда. Зеро, келажак авлоднинг ҳам бунга ҳаққи бор.

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**

# Мафтункор массивлар аҳоли фаровонлиги мезони

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кейинги йилларда юртимизнинг барча гўшалари каби Қашқадарё вилоятида ҳам амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, тараққиёт, бунёдкорлик ҳисобига аҳолининг турмуш даражаси янада юксалмоқда. Азалдан ободликка, фаровонликка интилиб яшаган бунёдкор воҳа элининг тинимсиз меҳнати туфайли шаҳару қишлоқлар кундан-кунга ўзгача қиёфа касб этяпти, десак муболаға бўлмайди. Вилоятда кейинги йилларда ўзида халқаро ва миллий меъморчиликнинг энг гўзал намуналарини уйғунлаштирган бири-биридан чиройли, бетакрор бинолар сони ортмоқда.**



Янада аҳамиятли томони, бу жараёнда аҳоли турмуш фаровонлигининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланган уй-жойлар қурилишига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Эндиликда олис ҳудудлар аҳолисининг кўпчилиги қишда иссиқ, ёзда салқинлиги билан кишига хуш ёқувчи намунавий лойиҳалар асосида қурилган, кўркам ва замонавий иморатларда яшаш имконига эга бўлаётгани қувонарли, албатта.

Бу борада жорий йилда вилоятда замонавий архитектура кўринишига эга 6,5 минг квартирадан иборат кўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган. Шунингдек, 2024 йилда вилоятда "Янги Ўзбекистон" ва бошқа массивларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш бўйича мақсадли кўрсаткичлар давлатимиз раҳбарининг "2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган. Уларга кўра, республикамизда йил давомида 100 мингта квартирадан иборат кўп қаватли уй-жойлар барпо этилса, шундан 6,5 мингтаси воҳанинг шаҳар ва туманларидаги замонавий массивларда қурилади. Хусусан, фармонга илова қилинган манзилли рўйхатга мувофиқ, вилоятдаги "Янги Ўзбекистон" массивларида 1 минг 858 та квартирадан иборат 61 та, шу жумладан, Косон туманидаги Дўстлик маҳалласида 368 та квартирадан иборат 16 та, Яккабоғ туманидаги Айғиркўл маҳалласида 880 та квартирадан иборат 36 та, Қарши туманидаги Чаман маҳалласида 610 та квартирадан иборат 9 та кўп қаватли уй-жой қад ростлайди.

Бугун вилоятда яна бир муҳим омил, аҳолини уй-жойга тўлов масаласида ипотека кредитларини қайта молиялаштириш ва шу бўйича субсидиялар тўлашнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳам тасдиқланган. Бу кўрсаткичларга мувофиқ, жорий йилда вилоятда умумий ҳажми 695,3 миллиард сўмга тенг 2 минг 517 та ипотека кредити ажратилиши назарда тутилган. Уларнинг 1 минг 920 таси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайта молиялаштириладиган кредитлар бўлиб, шундан 1 минг 420 таси янги уй-жой сотиб олиш учун, 500 таси эса якка тартибдаги уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун берилади. Яна 597 та ипотека кредити "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖ томонидан қайта молиялаштирилади. Субсидиялар борасида вилоятда 2024 йилда ипотека кредитлари бўйича 1 минг 800 та субсидия тўлаш белгиланган. Уларнинг 1 минг 300 таси янги уй-жой сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича, яна 500 таси якка тартибдаги уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун ажратиладиган кредитлар бўйича тўланади.

Айни кунларда вилоятда замонавий архитектура кўринишига эга бўлган 6 минг 500 хонадондан иборат кўп қаватли уй-жойлар билан бир қаторда, уларга ёндош ижтимоий соҳа, транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳам қурилмоқда. Ушбу кўп қаватли уй-жойлар қурилишида энергия тежамкор материаллардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу билан бирга, мазкур уй-жойлар қурилишида яна бир муҳим жиҳат, аҳолининг турмуш тарзи, ўзига хос одатлари-ю удумлари, ҳудудларнинг географик, иқлимий ва геологик хусусиятлари ҳам инобатга олинмоқда.

Албатта, турар жой бинолари қурилиши йўналишида олиб борилаётган бу каби ишлар аҳолининг уй-жой билан боғлиқ эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Шунингдек, бу бунёдкорликлар келгусида мазкур ҳудудларда қишлоқ инфратузилмаси тобора такомиллашиб, маданий, маиший ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши ҳисобига аҳоли фаровонлиги ошишига ҳам сабаб бўлади.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ**

# "Янги Ўзбекистон" массивида ишлар авжида

**Ҳамза ШУКУРОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ургут туманининг Мерганча массивида қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массиви нафақат туман ва вилоят, балки мамлакатимиздаги энг долзарб қурилиш майдонидан бирига айланган. Қурувчиларнинг саъй-ҳаракати билан тикланаётган 5, 9, 16, 18 қаватли осмонўпар уй-жойларни кўрган киши ҳавас қилади. Пурвиқор тоғлар этагида жойлашган бу гўшада шундай маҳобатли биноларга асос солинаётганининг ўзи бир мўъжиза, аслида.**




"Inshaat Development", "Bright future house" ва "Hamkor LTD" МЧЖ каби республикамиздаги етакчи қурилиш ташкилотлари томонидан бунёд этилаётган ушбу турар жойлар замон талабига мослиги, зилзилабардошлиги ва кўркам кўриниши билан барчани ҳайратга солмоқда.

– Замонавий инфратузилмани ўзида мужассамлаштирган шаҳарча қурилишига барча кучимизни сарфлаяпмиз, – деди "Bright future house" МЧЖ техника назоратчиси Санақул Ибрагимов. – "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖнинг вилоят филиали мутахассислари яратган лойиҳага мувофиқ, шаҳарсозлик талабларига жавоб берувчи кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктлари урбанизация жараёнларини ривожлантириш мақсадида бошланган ишлар бугун қизғин давом этмоқда. Яқинда иккита 9 қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Яна бештаси Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилиши режалаштирилган. Ҳомий Олимжон Аҳмаджонов, раҳбар Ботир Аҳмаджонов ва иш бошқарувчи Ҳамид Турсунпўлатов каби мутахассисларнинг маслаҳатлари 140 кишидан иборат жамоага мадад бўлмоқда.

Янги массив экин экишга яроқсиз майдонларда қурилаётгани айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқараяпти. Масалан, марказлашган ичимлик суви, оқова сув тармоқлари ва бошқа зарур коммуникация тизимларини яратишда баъзи камчиликлар мавжуд. Лекин ўз касбини пухта эгаллаган мутахассислар ҳеч қандай масала олдида ер чизиб қолишмаяпти. Бу фикрни "Inshaat development" компанияси қурувчиларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

– Бешта 16 ва 18 қаватли турар жойни тиклашда иштирок этаяпмиз, – деди ҳисобчи Азамат Хушвақтов. – Хонадонлар газ плитаси, ошхона мебели билан жиҳозланмоқда, ёнғинга қарши мосламалар ўрнатилган, юқори тезликдаги интернет тизимига уланган. Биноларнинг зилзилабардошлиги 8-9 баллга етказилди. Ҳар қайси бинога 2 тадан тезюрар лифт ўрнатилмоқда. Автоном электр таъминотига эга. Хуллас, аҳоли учун барча қулайликлар мавжуд уйларни барпо этишга бел боғлаганмиз.

"Hamkor LTD" МЧЖ массивдаги яна бир фаол жамоа ҳисобланади.

– Шу кунларда 180 хонадонли 2 та уй-жой калитларини ўз эгаларига тақдим этишни режалаштирганмиз, – деди МЧЖ раҳбари Элдор Саломов. – Яна бешта уйда иш қизигандан қизимоқда. Юз нафардан зиёд ишчи-хизматчининг қўли-қўлига тегмаяпти. Давлатимиз томонидан берилган имкониятлардан фойдаланиб, юздан зиёд тенгдошларимнинг бошини бириктириб, уларни иш билан таъминлаётганимнинг ўзи катта бахт.

Туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими томонидан берилган маълумотларга кўра, Ургутдаги "Янги Ўзбекистон" массивидаги ишлар жадвалга мувофиқ боряпти. Муҳими, келгусида муҳташам шаҳарча 100 мингдан зиёд аҳолини ўз бағрига сингдириб, одамлар зич яшайдиган манзилда уй-жой муаммосини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишига шубҳа йўқ.

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**

# Сайёр қабулда ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда



**Азиз МАШРАБОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга оширишда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Жорий йилнинг бугунги кунигача Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Тоғаев, бошқарма ва "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари масъуллари томонидан фуқаролар учун Термиз шаҳар, Бойсун, Бандихон, Узун, Денов, Ангор, Шеробод ва Термиз туманларида 8 маротаба сайёр қабул ўтказилди. Қабуллар давомида келиб тушган 159 та мурожаатдан 71 таси ижобий ҳал этилди, 67 та фуқарога ҳуқуқий тушунтириш берилиб, 21 та мурожаат белгиланган муддатда ижро этиш учун назоратга олинди.

Сайёр қабуллардаги масалаларни йўналишлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, ихтисослаштирилган уйларга жойлаштириш, II гуруҳ ногирони, 16 ёшгача ногирон, парваришга муҳтож 80 ёшга тўлганларга қараб турганлиги юзасидан хулоса олиш, реабилитация техник воситалари билан таъминлаш, тиббий-меҳнат экспертизаси ва ногиронликни белгилаш, тиббий-ижтимоий муассасаларга йўлланма олиш, ижтимоий нафақалар тайинлаш, даволанишга ордер олиш каби 200 га яқин мурожаат келиб тушган.

Шу билан бирга, "ИНСОН" ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказлари томонидан ташкил этилган сайёр қабулларда психологлар гуруҳи ҳам ташкил этилиб, фуқароларга психологик ва юридик хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Яқинда Термиз шаҳридаги Гулистон маҳалласида бўлиб ўтган учрашувда ҳам бошқарма бошлиғи Муҳиддин Тоғаев 40 га яқин фуқаронинг мурожаатини тинглади. Сайёр қабул давомида шу ернинг ўзида 2 нафар фуқаро ногиронлик аравачаси ва 1 нафар фуқаро ҳасса билан таъминланган бўлса, 3 нафари даволаниш учун санаторийларга навбатга қўйилди. Қолган мурожаатлар бўйича фуқароларга тушунтиришлар берилиб, ижроси назоратга олинди.

– Синглим биринчи гуруҳ ногирони, – деди Гулистон маҳалласидаги кўп қаватли уйларда яшовчи Адолат Худойқулова. – Уни кўчага олиб чиқишга жуда қийналар эдим. Сайёр қабулда муаммони айтишим билан ҳеч қанча вақт ўтмай, "ИНСОН" маркази ходимлари аравача олиб келишди. Мурожаатим бунча тез фурсатда ижобий ҳал қилиб берилади деб ўйламагандим.

– 70 ёшга кириб бирон маротаба санаторийга бормаганман, – деди яна бир мурожаат эгаси Хосият Негматова. – Илгари ҳам бир неча маротаба "Сизни навбатга қўйдик, дам олишга борасиз", деб айтишганди. Тўрт-беш йил кутсам ҳам навбатим келмасди. Қарангки, қабулда санаторий бўйича мурожаат қилгандим, электрон навбатга қўйишди. Энди олдингидек йиллаб кутмас эканман, инсон омили аралашувисиз ҳал бўларкан.

Мухтасар айтганда, сайёр қабуллар аҳоли муаммоларини жойида, тез ва самарали ҳал этиш имконини бераётгани туфайли ҳудудларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар бартараф этилмоқда.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**

# Ўзбекистон туманидаги маҳаллаларда бунёдкорлик авжида

**Орифжон ИСМОИЛОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги оғир ижтимоий ҳолатдаги ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида манзилли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, "оғир ҳудуд" дея эътироф этилган Қудашобод маҳалласида ичимлик суви таъминотини яхшилашга киришилди.**



Туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев туман ички ишлар бўлими бошлиғи Содиржон Абдуллаев билан биргаликда ушбу манзилда бўлиб, амалий жараёнлар билан танишди. Маҳалла аҳли, нуронийлар ва соҳа мутасаддилари билан суҳбатлашиб, режа ва вазифалар белгилаб олинди. Эзгу ташаббус доирасида туман ҳокимлиги кўмаги билан дастлабки босқичда маҳаллага 2 минг метрлик тармоқ ўтказилди. Жараёнларга "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ Ўзбекистон тумани филиали томонидан техника ва куч воситалари жалб этилиб, траншея қазиш ва тармоқларни монтаж қилиш ишлари бошланган. Қайд этиш жоиз, мазкур тармоқ ўтган йили дастур доирасида маҳаллада бунёд этилган янги сув иншоотига уланиши натижасида ҳудуддаги 500 дан зиёд хонадон эгасининг кўп йиллик муаммоси ижобий ҳал этилган.

Шунингдек, туманнинг Ўкчи маҳалласида жойлашган 74-оилавий поликлиника ҳам жорий йилги инвестиция дастури доирасида капитал реконструкция қилинмоқда. 1984 йилда қурилган бинони кўркам ва замонавий кўринишга келтириш, етарли шароитлар яратиш учун бюджетдан 2 миллиард 339 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Реконструкция ишлари "Бресбен Аус" масъулияти чекланган жамияти пудрат ташкилоти қурувчилари томонидан амалга оширилмоқда. Мазкур поликлиника тўлиқ ишга тушгач 3 та маҳалладаги 12 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Поликлиника шу кунгача 100 қатновга мўлжалланган бўлса, қурилиш ишлари доирасида қўшимча яна 10 дан зиёд тиббиёт хонаси бунёд этилиб, қатновни 150 га етказиш имконияти яратилмоқда. Муассасада илгари мавжуд бўлган 5 ўринли кундузги бўлим бунёдкорлик тадбирлари натижасида 10 ўринлига айлантирилмоқда. Кўркам ва янгича қиёфа касб этаётган тиббиёт маскани келгуси ойнинг бошида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Қоратепа маҳалласидаги 50 йиллик эски бинода фаолият кўрсатиб келган болалар боғчаси ҳам янгидан бунёд этилмоқда. 55-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти шу пайтгача 1970 йилларда ҳашар йўли билан қурилган мослаштирилган бинода фаолият кўрсатиб келаётган эди. 90 ўринли болалар боғчасидаги ноқулай шароит билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ҳамда ҳудудда қамров даражасини ошириш мақсадида айни кунларда унинг ўрнида буткул янгича ва замонавий маскан бунёд этиляпти. Ҳозирга қадар муассасанинг асосий биноси қуриб битказилди ва жиҳозланмоқда. Шунингдек, бу ерда яна 4 та айвонча, ошхона, кирхона, маъмурият хонаси, ташқи деворлар барпо этилиб, кенг кўламдаги ободонлаштириш ишларини бажариш кўзда тутилган. Бунёдкорлик ишлари "Боний қурувчи" МЧЖ жамоаси томонидан амалга оширилмоқда. Қурилиш ишлари учун шу кунгача маҳаллий бюджетдан 550 млн сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Лойиҳага кўра, умумий 1 млрд сўмдан зиёд маблағ сарфланиши белгиланган. Аҳамиятлиси, ушбу ташаббус доирасида 90 ўринли муассаса ўрнида тез орада 120 нафар болалар қатновига мўлжалланган, қулай ва замонавий шароитларга эга муассаса барпо этилади.

Бу каби хайрли ишларнинг давоми сифатида туманнинг "Намуна" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Комилчўли қишлоғига олиб борувчи йўлнинг жорий таъмирланаётганини айтиш мумкин. Қишлоқ туман марказидан қарийб 20 чақирим олис масофада жойлашган ва унда 500 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қайд этилишича, туман йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси томонидан жалб этилган техника ва ишчи кучи ёрдамида мазкур йўлнинг 16 километр масофадаги қисми таъмирланади. Ҳозирда манзилга асфальт маҳсулоти пешма-пеш етказилиб, йўлсозлар томонидан шу кунгача йўлнинг 0,8 километр қисми таъмирланди.

Ободонлаштириш ишлари туманнинг бошқа ҳудудларида ҳам жадаллик билан давом этмоқда.

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**

# Ҳудудлар шаҳарсозлик талабларига мослаштирилмоқда

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Саноатни ривожлантириб, ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш бўйича Навоий вилояти республикамизда анча олдинда бормоқда. Бундай ҳаракатлар асносида янги иш ўринлари яратилиб, ишчи-ходимлар ва уй-жойга муҳтожларни турар жой билан таъминлашни ҳам тақозо этаётир.**

Шу мақсадда, вилоятдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини белгиланган муддатларда қуриш билан бирга шаҳар ва туманлар инфраструктурасини замонавий лойиҳаларга кўра янгилаш, жойларда аҳоли учун зарур объектларни бунёд этиш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

